

**GENRE AND TYPOLOGICAL FEATURES OF “AYYAM AL-ARAB” IN THE
CONTEXT OF THE ARAB ORAL NARRATIVE TRADITION*****Gulnora Sattorovna Mutalova****Associate Professor, PhD in Philology**Department of Arabic Studies**Tashkent State University of Oriental Studies**email: gulnora_mutalova@tsuos.uz**Tashkent, Uzbekistan***ABOUT ARTICLE**

Key words: “Ayyam al-Arab”, oral narrative tradition, genre specificity, typology, pre-Islamic Arabia, Arabic literature, historical narrative, protoepic, intertribal conflicts, collective memory, Bedouin culture, narrative structures.

Received: 08.05.26**Accepted:** 09.05.26**Published:** 10.05.26

Abstract: This article examines the typological and genre features of the “Ayyam al-Arab” corpus within the context of the oral narrative tradition of the Arabs. The study draws on a reconstructive analytical approach that takes into account the oral nature of the traditions, their variability, and the absence of a rigidly established genre system in pre-Islamic literature. The article identifies the invariant features of the “Ayyam”, including an event-based, episodic organization, a consistent range of motifs (intertribal conflicts, blood feuds, and the struggle for resources), and the specifics of the narrative representation of collective experience. It substantiates the syncretic nature of the “Ayyam al-Arab”, combining elements of historical testimony and protoepic narrative. It demonstrates that these traditions function as a form of collective memory and socio-normative regulation, reflecting the value systems and structure of pre-Islamic Arab society.

**АРАБ ОҒЗАКИ РИВОЯТ АНЪАНАСИ КОНТЕКСТИДА
“АЙЙАМ АЛ-АРАБ” НИНГ ТИПОЛОГИК ВА ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ*****Гулнора Сатторовна Муталова****Доцент, филология фанлари бўйича фалсафа доктори**Арабишунослик олий мактаби**Тошкент давлат шарқишунослик университети**email: gulnora_mutalova@tsuos.uz**Тошкент, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: “Аййам ал-араб”, оғзаки ривоят анъанаси, жанрнинг ўзига хослиги, типология, Исломгача бўлган Арабистон, араб адабиёти, тарихий ривоят, протоэпик, қабилалараро низолар, жамоавий хотира, бадавийлар маданияти, ривоят тузилмалари.

Аннотация: Ушбу мақолада арабларнинг оғзаки ривоят анъанаси контекстида “Аййам ал-Араб” корпусининг типологик ва жанр хусусиятлари ўрганилади. Тадқиқот анъаналарнинг оғзаки табиатини, уларнинг ўзгарувчанлигини ва Исломгача бўлган адабиётда қатъий белгиланган жанр тизимининг йўқлигини ҳисобга оладиган реконструктив-таҳлилий ёндашувга асосланади. Мақолада “Аййам”нинг ўзгармас хусусиятлари, жумладан, воқеаларга таянган, эпизодик тузилиш, изчил мотивлар кўлами (қабилалараро низолар, қонли адоват ва ресурслар учун кураш) ва жамоавий тажрибанинг ривоятда ифодаланиши хусусиятлари аниқланган. У тарихий далиллар ва илк эпик (протоэпик) ривоят унсурларини бирлаштирган ҳолда “Аййам ал-араб”нинг синкретик табиати ҳақидаги фикрнини асослайди. Унда бу анъаналар жамоавий хотира ва ижтимоий-меъёрий тартибга солиш шакли сифатида фаолият юритиши, Исломгача бўлган араб жамиятининг кадриятлар тизимлари ва тузилишини акс эттириши кўрсатилган.

**ЖАНРОВО-ТИПОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ «АЙЙАМ АЛ-АРАБ» В
КОНТЕКСТЕ УСТНОЙ ПОВЕСТВОВАТЕЛЬНОЙ ТРАДИЦИИ АРАБОВ**

Гулнора Сатторовна Муталова

Доцент, доктор философии по филологическим наукам (PhD)

Высшая школа арабистики

Ташкентский государственный университет востоковедения

email: gulnora_mutalova@tsuos.uz

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Аййам ал-араб, устная повествовательная традиция, жанровая специфика, типология, доисламская Аравия, арабская словесность, исторический нарратив, протоэпос, межплеменные конфликты, коллективная память, бедуйнская культура, нарративные структуры.

Аннотация: В статье рассматриваются типологические и жанровые особенности корпуса «Аййам ал-араб» в контексте арабской устной повествовательной традиции. Исследование опирается на реконструктивно-аналитический подход, учитывающий устную природу преданий, их вариативность и отсутствие жёстко закреплённой жанровой системы в доисламской словесности. Выявляются инвариантные признаки «Аййам», включая

событийно-эпизодическую организацию, устойчивый круг мотивов (межплеменные конфликты, кровная месть, борьба за ресурсы), а также особенности нарративной репрезентации коллективного опыта. Обосновывается положение о синкретической природе «Айям ал-араб», сочетающей элементы исторического свидетельства и протоэпического повествования. Показано, что данные предания функционируют как форма коллективной памяти и социально-нормативной регуляции, отражая ценностные установки и структуру доисламского арабского общества.

Кириш. Маълумки, бадиий адабиёт ва умуман санъат инсон билиш фаолиятининг ўзига хос шакли бўлиб, воқеликни акс эттиришнинг махсус усулини намоён этади. Замонавий адабиётшуносликда адабий асарларни мақсадли ва тизимли таҳлил қилиш зарурати тобора англономда, бу эса уларни тарихий-функционал жиҳатдан тадқиқ этишни тақозо этади. (Classical monuments..., 1985, Pp. 3-8).

Турли халқларнинг қаҳрамонлик эпоси уларнинг маданий меросида муҳим ўрин эгаллайди ҳамда миллий ўзлик ва ифтихорнинг муҳим ифодаси сифатида намоён бўлади. Эпик аънананинг сақланиши ва тараққиёти унинг узвий давомийлигини таъминловчи ижтимоий-маиший ва маданий-тарихий омиллар мажмуи билан белгиланади. Шубҳа йўқки, инсоният тараққиётининг ҳар бир босқичида жамиятда илгари номаълум бўлган янги ижтимоий муносабатлар юзага келади; шунингдек, тарихий-адабий жараённинг ҳар бир босқичида аввал мавжуд бўлган адабий шакл ва жараёнлар такомиллашади, янги ижтимоий муносабатлар талабларига жавоб берадиган бадиий образлар, сюжетлар ва тасвир воситалари яратилади. (Shamusarov, 2010, Pp. 4-5).

Адабиётлар таҳлили ва методология. «Айям ал-араб» ҳақидаги дастлабки маълумотлар Абул Фарадж ал-Исфажанийнинг «Китаб ал-Ағани» асарига берилган шарҳларда келтирилади. Шунингдек, бу мавзу Йакут ал-Ҳамавий ва Абу Убайд ал-Бакрийнинг географик асарларида ҳам учрайди. Кейинги даврларда эса Ибн Абд Раббихининг «ал-Иқд ал-Фарид» ҳамда Ибн Асирнинг «ал-Камил фи таърих» асарларида қайд этилган бўлиб, айниқса, Ибн Асир «Айям»ни хронологик тартибда жойлаштиришга уриниб кўради.

«Айям ал-араб»га оид маълумотлар Нувайрийнинг «Ниҳайат ал-араб фи фунун ал-адаб» асарида ҳам келтирилган. Бу ривоятлар қадимги араб шеърятини шарҳлаш

жараёнида кенг қўлланган бўлиб, Абу Таммамнинг “Китаб ал-Ҳамаса” тўпламида ҳам муҳим манба сифатида хизмат қилган.

Шу билан бирга, айрим жанрларга оид маълумотлар мақол ва ҳикматли сўзлар тўпламларида ҳам сақланган. Жумладан, Абу Мансур ас-Саъалибийнинг “ат-Тамсил ва ал-Муҳадарат” ҳамда Аҳмад ал-Майданийнинг “Мажмаъ ал-амсал” асарларида бу каби маълумотлар учрайди.

«Айям ал-араб» ҳақидаги маълумотлар бир қатор классик филологик ва адабиётшунослик асарларида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, Табризийнинг “Шарҳ диван ал-Ҳамаса”, Бағдадийнинг “Хизанат ал-адаб”, Ибн Рашиқнинг “ал-Умда”, Мубарраднинг “ал-Камил фи ал-адаб”, шунингдек, “ал-Мухтар мин навадир ал-ахбар” муаллифи Муҳаммад ал-Анбари асарларида ушбу ривоятлар изоҳловчи ва далил сифатида қўлланилган.

Абу Убайда Маъмар ибн ал-Мусаннанинг қаламига мансуб “Нақайд Джарир ва ал-Фараздак” асари «Айям ал-араб»ни ўрганишдаги муҳим манбалардан бири сифатида бизгача етиб келган. Муаллиф мазкур асарда айрим «кунлар» ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган шеърий матнларни алоҳида шарҳлар билан келтиради. Ушбу воқеаларга доир айрим парчалар бошқа араб манбаларида ҳам сақланиб қолган.

Ўрта аср муаллифларининг юқорида зикр этилган асарларидан олинган материаллар асосида замонавий мисрлик тадқиқотчилар Муҳаммад Абул Фадл Иброҳим ва Али Муҳаммад ал-Бажавий арабларнинг исломдан олдинги «жанглари» ҳақидаги ривоятларни тизимлаштириб, أيام العرب في الجاهلية («Аууам ал-Араб фи ал-Жаһилиуа») тўпламини тузишга муваффақ бўлдилар (Days of the Arabs..., 2004, 352 p.).

1983 йилда Москвада “Аравийская старина” номли тўплам нашр этилди. Унда умумэътироф этилган ўнта классик қасидалар (муъаллақат) таржималари билан бир қаторда Вл.В. Полосин томонидан таржима қилинган «Айям ал-араб»дан парчалар ҳам ўрин олган. А.А.Долинина мазкур китобга ёзган муқаддимасида ушбу ривоятларни қуйидагича тавсифлайди: улар қатъий маънода афсонавий ёки эпик ҳикоялар эмас, балки кўпроқ ҳақиқатда содир бўлган воқеалар ҳақидаги ўзига хос тарихий ҳикоялар сифатида намоён бўлади... Матнларда топонимик номлар аниқ қайд этилади, кўп ҳолларда вақтга оид контекст ҳам белгиланади, шунингдек, тасвирланаётган тўқнашувларда иштирок этган қабилалар батафсил санаб ўтилади. Шу маънода, «Айям ал-араб»ни оғзаки қабилавий солномалар сифатида талқин қилиш мумкин бўлиб, уларни сақлаш ҳар бир араб жамоаси учун принципиал аҳамият касб этар эди (Arabian Antiquity. 1983, Pp. 9-10).

«Айям ал-араб»га кирувчи қатор ривоятлар шарҳи И.М. Фильштинскийнинг тадқиқотида баён этилган. Унинг таъкидлашича, «Айям ал-араб» қаҳрамонлик эпосининг

фақат дастлабки, ибтидоий унсурларини намоён этади. Ушбу ривоятлар бадий образлилик даражасининг нисбатан пастлиги, поэтик умумлаштириш воситаларининг чекланганлиги, айрим ҳолларда эса аниқ эстетик қимматнинг етарли даражада намоён бўлмаслиги билан тавсифланса-да, шунга қарамай, араб адабиётида ҳикоявий анъананинг шаклланиши ва ривожланишида муҳим ўрин тутган. (Filshinsky, 1985, Pp. 34-35).

Мазкур тадқиқотда «Аййам ал-араб» корпусига нисбатан қўлланилаётган типологик ёндашув реконструктив-аналитик хусусиятга эга бўлиб, материалнинг ўзига хос жиҳатлари билан белгиланади. Ушбу ривоятларнинг оғзаки табиати, уларнинг парчалар шаклида (фрагментарлиги) ва ўзгарувчанлиги (вариативлик), шунингдек, анъанада ягона жанр мезонларнинг етарлича ишлаб чиқилмаганлиги уларни қатъий тузилган таснифлаш модели шаклида тақдим этиш имконини бермайди.

Муҳокама ва натижалар. Турли халқларнинг қаҳрамонлик эпоси уларнинг маданий меросининг энг муҳим қисмини ташкил этади ва миллий ифтихор манбаи сифатида намоён бўлади. Эпик анъананинг сақланиши ва ривожланиши муайян ижтимоий-маиший ҳамда маданий шарт-шароитлар мажмуи билан белгиланади.

Б.Н. Путиловнинг фикрига кўра, қаҳрамонлик эпоси, одатда, жамоа-қабилавий тузум тараққий этиб, аста-секин парчаланиш даврида юзага келади ҳамда синфий жамият ривожланишининг илк босқичларида ўзининг якуний шаклланишига эришади. Шу тариқа Гомер эпослари, финларнинг “Калевала”си, герман дружиналик эпоси, рус билиналари, француз ва испан ўрта аср поэмалари ҳамда бошқалар юзага келган. Ҳар бир халқ ўзининг “эпик даврини”, яъни “халқ ҳаётининг эпик табиати билан шартланган қаҳрамонлик эпосининг самарали ижодий ривожланиш даврини” бошдан кечирган (Putilov, 1982, p. 6).

Шу ўринда қайд этиш лозимки, араб ривоятлари, яъни эпик характеридаги кенг камровли матнларнинг тадқиқи шуни кўрсатадики, турли халқларнинг қаҳрамонлик эпоси асарлари ўртасидаги барча фарқ ва хилма-хилликка қарамай, улар ўртасида муайян ўхшашликлар ва типологик умумийликлар мавжуд. (Mutalova, 2019, Pp. 28-34).

Оғзаки шаклда ривожланган халқ ижоди араб адабиёти учун, умуман адабиёт тарихи давомида бўлгани каби, шеърят тараққиётининг асосий манбаи бўлиб хизмат қилган. А.И. Веселовский назариясига кўра, ҳар қандай поэтик тараққиётнинг бошланғич босқичида лирика, эпос ва драма унсурлари ҳали бир-биридан ажралмаган, синкретик ҳолда мавжуд бўлади. Бундай ибтидоий халқ шеърятини ташқи таассуротларга берилган жавоб сифатида юзага келган оғзаки импровизация шаклини ифода этади, унда эпик ҳикоя лирик ҳис-туйғулар ифодаси билан узвий равишда чамбарчас боғланиб кетади (Veselovsky, 1939, Pp. 3-5).

Жаҳон эпосини ўрганиш масалалари билан жанрнинг келиб чиқиши ва ривожланишига оид турли назарияларни илгари сурган кўплаб таниқли олимлар шуғулланган, шулар жумласидан К. Чэдвик ва М. Чэдвик, С.М. Баура, В.Н. Веселовский, В.Я. Пропп ва бошқалар. Натижада эпосни талқин этишга доир турли ёндашувлар шаклланган: К. ва М. Чэдвиклар билан боғлиқ тарихий-қаҳрамонлик концепцияси эпосни қаҳрамонлик даври билан узвий алоқада талқин қилади; С.М. Баура илгари сурган қаҳрамон-индивидуалистик ёндашувда эътиборни қаҳрамон образига қаратган; А.Н. Веселовскийнинг тарихий-поэтик ёндашувида эпосни босқичма-босқич ривожланиш ва типологик жараёнлар маҳсули сифатида кўради; шунингдек, В.Я. Пропп томонидан ишлаб чиқилган структур-функционал ёндашув эпосни барқарор сюжет функциялари тизими орқали таҳлил қилади. (Meletinsky, 2004, Pp. 5-20). Бироқ, бизнингча, энг мақбул ёндашув В.М. Жирмунский томонидан ишлаб чиқилган тарихий-типологик қиёсий метод ҳисобланади. У эпик асарларни уларнинг келиб чиқиши, географик тарқалиши ва пайдо бўлиш вақтидан қатъи назар, тенг қийматли ҳодисалар сифатида кўриб чиқиш ва ўрганиш имконини беради, шунингдек, жаҳон адабиёти тараққиётини ягона ва қонуний жараён сифатида талқин қилишга хизмат қилади. Унинг таъкидлашича, адабиёт ёки фольклор ҳодисаларини тарихий-типологик қиёслаш методининг асосий шарти – инсониятнинг ижтимоий-тарихий тараққиёт жараёнининг бирлиги ва қонуниятлилиги бўлиб, айнан шу омил адабиётнинг, мафкуравий устқурманинг бир қисми сифатида, ривожланишини белгилайди (Zhirmunsky, 1979, Pp. 199-200).

Араб адабиётидаги эпик ҳикояларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, турли халқлар қаҳрамонлик эпосининг жанр ва мазмун жиҳатидан хилма-хиллигига қарамай, улар ўртасида муайян ўхшашликлар ва типологик параллеллар кузатилади. Бу ҳолат эпик анъананинг ривожланишидаги универсал қонуниятларни акс эттиради.

Жаҳон эпосини тадқиқ этиш шундан далолат берадики, араб эпоси узоқ вақт мобайнида илмий изланишлар марказидан четда қолган, унинг ўзига хос хусусиятлари эса кўп ҳолларда арабларда мустақил эпик анъана мавжуд эмас деган фикрларни илгари суришга сабаб бўлган. Бироқ сўнгги тадқиқотлар, жумладан, ўзбек шарқшунослари томонидан тарихий-типологик қиёсий метод асосида олиб борилган изланишлар араб эпосининг мавжудлигини тасдиқлаб, уни жаҳон эпик меросининг энг сара намуналари билан бадий-эстетик жиҳатдан таққослаш мумкинлигини кўрсатди (Ibragimov, 1984; Sattiyev, Shamusarov, 1992; Mukhtarov, 2002, 2011; Shamusarov, 2010; Mutalova, 2011, 2019). Алоҳида таъкидлаш лозимки, типологияни шакллантириш муаммоси энг мураккаб вазифалардан бири ҳисобланади. Бу ҳолат замонавий адабиётшуносликда типология тамойилларига доир ёндашувларнинг ҳали етарлича такомиллашмагани ва бир маъноли

эмаслиги билан боғлиқ. Ўрта аср адабиётларини, айниқса Шарқ адабиётларини ўрганишда анъанавий жанр ёндашуви етакчи ўрин тутди; бу жараёнда миллий жанр категорияларидан фойдаланиш, одатда, уларнинг умумлаштирилган тавсифий изоҳи билан берилди. Тадқиқотлар кўрсатганидек, таҳлилий жиҳатдан бундай методологиянинг самарадорлиги паст. Шу муносабат билан «Айям ал-араб»ни таҳлил қилишда жанр параллелларининг кенгроқ доирасини жалб этишга ҳаракат қилинди, бу эса мазкур матнлар корпусини янада кенгроқ қиёсий-типологик ва маданиятлараро контекстда кўриб чиқиш имконини беради.

Маълумки, исломдан олдинги Арабистонда мифологик анъана кенг ривожланмаган. Шу боис, арабларда оғзаки халқ ижоди етакчи ўрин эгаллаб, у мақоллар, ҳикматли сўзлар ҳамда қабилалар ва алоҳида қаҳрамонлар жасоратига бағишланган шеърӣй парчаларни ўз ичига олган эпик ҳикоялар орқали намоён бўлган.

Қадимги арабларнинг тарихий ривоятлари узок вақт давомида оғзаки анъана доирасида сақланиб, авлоддан-авлодга ўтказиб келинган. Фақат VIII аср охири – IX аср бошларида араб филологлари уларни мақсадли равишда жамлаш ва махсус тўпламлар шаклида ёзма тарзда қайд этишга киришдилар. Юқорида зикр этилганидек, ўша даврда мавжуд бўлган оғзаки материаллар илк бор басралик филолог Абу Убайда Маъмар ибн ал-Мусанна томонидан тизимлаштирилиб, ягона корпусга жамланди ҳамда “Айям ал-араб” номи билан маълум бўлди.

Ҳозирги вақтга қадар «Айям ал-араб» асосан тарихий манба сифатида баҳоланиб келинган бўлиб, у, аввало, манбашунослик тадқиқотлари учун муҳим манба ҳисобланади (Gibb, 1960, Pp. 15-25). Шу нуқтаи назардан, мазкур ривоятлар корпуси исломдан олдинги араб жамияти ҳаётининг қатор жиҳатларини қайта тиклашда қўлланилади. Жумладан, у орқали Арабистон яриморолида қабилаларнинг жойлашув географияси, уларнинг хўжалик фаолияти хусусиятлари, ижтимоий тузилиши, қабилалараро муносабатлар характери, шунингдек, исломдан олдинги давр арабларининг диний тасаввурлари ва бошқа жиҳатлар ҳақида маълумотлар олиш мумкин.

VII асргача Арабистон яриморолидаги ижтимоий тузилма ибтидоий жамоавий тизим белгиларини сақлаб қолган қабилавий-уруғчилик асосида шакланган эди. Ер ресурслари, яйловлар ва сув манбалари қон-қардошлик алоқалари билан бирлашган қабиланинг умумий мулки ҳисобланган. Умумий келиб чиқишни англаш қабилалар номланиш тизимида ҳам ўз аксини топган: «бану Тамим», «бану Зубъян» («Тамим ўғиллари», «Зубъян ўғиллари») қабилалари каби номлар билан аталган ёки тотемик тасаввурлар қолдиғи сифатида «бану Асад», «бану Килаб» («Асад (сўзма-сўз: арслон) ўғиллари», «Килаб (сўзма-сўз: итлар) ўғиллари») каби номлар қўлланилган.

Қабиланинг ички тузилиши оилалар ва янада йирик бирлашмалар – уруғ гуруҳлари (кланлар)дан иборат бўлган. Одатда қабила бошида энг кўп сонли ва таъсирли клан вакили бўлган шайх бўлиб, у оксоқоллар кенгашига таянган ҳолда бошқарган. Ижтимоий тузилманинг муҳим унсурларидан бири қабилавий бирдамлик тамойили – «асабийя» бўлиб, у янада кенгроқ «мурувва» тушунчаси – «мардлик»ка оид ахлоқий-ижтимоий меъёрлар мажмуига кирар эди. «Мурувва»нинг асосий таркибий қисмларига номус, жанговор жасорат, олижаноблик, меҳмондўстлик, мағлуб рақибга нисбатан бағрикенглик, шунингдек, қонга қон, жонга жон – қасос олиш анъанасига рияз қилиш қабилар кирган (Belyaev, 1966, Pp. 67-73).

Исломдан олдинги анъанада «кун» (yawm) сўзи «жанг» ёки «тўқнашув» маъносида қўлланган бўлиб, бу ҳолат ўша давр шеърий меросидаги кўплаб мисоллар билан тасдиқланади. Қизиғи шундаки, «кунлар» деганда исломдан олдинги араблар фақат қисқа муддатли тўқнашувларни эмас, балки кутилмаганда бошланиб, узоқ вақт давомида танаффуслар билан давом этган ҳарбий можароларни ҳам тушунганлар. Бундай можаролар бир кундан бир неча ўн йилларгача чўзилиши мумкин эди. Масалан, Даҳис ва ал-Ғабра уруши ҳамда ал-Басус уруши каби машҳур воқеалар узоқ давом этган қабилалараро адоватнинг ёрқин намунасидир.

Араб тадқиқотчиси Али Жунди ўзининг “Шиър ал-харб” номли тадқиқотида «айям» тушунчасининг терминологик мазмунини таҳлил қилиб, исломдан олдинги анъанада у айнан «жанглари» маъносини англатган деган хулосага келади. Шу муносабат билан муаллиф “Айям ал-араб” тўплами номининг келиб чиқишига доир бир нечта гипотезаларни илгари суради (Jundi, Ali, 1966, Pp. 4-6):

1. Дастлаб тўплам «وقائع أيام العرب» waqā’i’ ayūām al-‘arab («Арабларнинг кунлари [жанглари] воқеалари») деб номланган бўлиши мумкин, бироқ вақт ўтиши билан қисқартириш мақсадида « waqā’i’ » («воқеалар», «жанглари») сўзи тушириб қолдирилган ва қисқароқ ном шакли мустаҳкамланган.

2. Жанг муайян бир куннинг марказий воқеаси сифатида намоён бўлгани боис бутун кун шу воқеа орқали ифодаланиб, натижада маъно кўчиши юз бериб, «кун» тушунчасининг ўзига ҳам татбиқ этилган.

3. «Кун» сўзи, шунингдек, муайян тарихий воқеа билан боғлиқ аниқ санани ифодалаш мақсадида хронологик функцияда ҳам қўлланган.

4. Шунингдек, «кун» сўзи кўчма маънода «синов даври», «бурилиш нуқтаси» маъноларини ҳам ифодалаш мумкин бўлган. Бу ҳолат «اليوم يومك» al-yawm yawmuka («Бугун сенинг кунинг») ибораси мисолида яққол кўринади, у ҳал қилувчи тажриба ёки тақдирни белгилаб берувчи синов палласини англатади.

Шундай қилиб, исломдан олдинги араб анъанасида «аййам» терминини кўп маънолилиқ хусусиятига эга бўлиб, у ҳам аниқ тарихий, ҳам мажозий мазмунларни бирлаштиради. «Аййам ал-араб» корпусидаги алоҳида «кунлар»нинг номланиши кўп ҳолларда тегишли жанрлар бўлиб ўтган географик объектлар билан боғланган. Бундай топонимик ориентирлар сифатида тоғлар, водийлар, сув манбалари ёки ўсимликлар ўсадиган ҳудудлар хизмат қилган. Масалан, «Акил куни» Нажддаги шу номли водий номи, «ар-Рақам куни» Макка атрофидаги тоғлар, «Хауза куни» Ҳижоздаги водий, «Раҳраҳан куни» тоғ номи, «ал-Кулаб куни» сув манбаи, «Нута‘а куни» эса хурмозор ҳудуд номи билан боғлиқ ҳолда номланган.

Бундан ташқари, айрим «кунлар» тасвирланган воқеаларда ҳал қилувчи роль ўйнаган шахслар номи билан ҳам аталган. Масалан, «Хужр куни» бану Асад қабиласи раҳбари Хужр номи билан боғлиқ бўлиб, у ушбу жангда ҳалок бўлган. «Сумайр куни» эса аус қабиласига мансуб Сумайр номи билан аталган бўлиб, унинг ўлдирилиши кўп йиллик қабилалараро можаронинг бошланишига сабаб бўлган ва ҳ.к. Демак, «аййам» номланиш тизими бир вақтнинг ўзида воқеаларнинг географик жойлашувини ҳам, уларнинг араб қабилаларининг жамоавий хотирасида сақланиб қолган муҳим тарихий шахслар билан боғлиқлигини ҳам акс эттиради. Айрим ҳолларда «кунлар» муайян воқеалар билан боғлиқ ҳайвонлар номи билан ҳам аталган. Масалан, тамим ва бакр аз-зурайн қабилалари ўртасидаги тўқнашувлардан бири икки туя номи билан аталган. Шунингдек, абс ва зубьян қабилалари ўртасида юз берган машҳур Даҳис ва ал-Ғабра уруши ҳам икки тулпор номи билан боғлиқ ҳолда номланган.

Шундай қилиб, ҳар бир «кун» муайян тарихий воқеа, яъни реал жанг билан боғлиқ бўлиб, бу унинг номланишида аниқлик ва бир маънолилиқни таъминлаб, турли эпизодларни аралаштириб юбориш эҳтимолини истисно этади. Шу билан бирга, «кун» тавсифида одатда қайси қабила можарони бошлагани ва қайси сабабга кўра юзага келгани қайд этилади, бу эса мантикий-реконструктив таҳлил орқали воқеаларнинг нисбий кетма-кетлигини тиклаш имконини беради. «Аййам ал-араб»ни қатъий хронологик тартибга солиш имконияти масаласи араб илм-фанида ҳануз мунозарали бўлиб қолмоқда. Хусусан, Жавад Али фикрича, ушбу ривоятларнинг аниқ вақт доирасини белгилаш масаласи қиёсий ва танқидий таҳлил ўтказиш имконини берадиган кўшимча исломдан олдинги тарихий манбалар аниқланмагунча деярли ҳал этиб бўлмайдиган вазифа ҳисобланади (Jawad Ali, 1950, Pp. 49-55).

Ушбу ривоятларнинг ёзма шаклда қайд этилишига тўғри келган VIII аср бошларига келиб, Халифалик маданий муҳитида кўчманчи бадавийлар турмуш тарзини идеаллаштиришга қаратилган барқарор тенденция шаклланган эди. Шу боис тасвирланган

воқеалар кўп жиҳатдан даврнинг субъектив тасаввурлари нуқтаи назаридан талқин этилган. Шу билан бирга тарихий ҳикоячиликнинг шаклланган анъанаси мазмуннинг эҳтимолий бузилишларини маълум даражада чеклаб турган. Гарчи айрим ривоятларнинг умумий сиёсий йўналиши бадиий ёки мафкуравий қайта ишланишга учраган бўлиши мумкин бўлса-да, аниқ тафсилотлар, одатда, атайлаб тўқиб чиқариш объекти бўлмаган ва шу сабабли нисбатан ишончли деб қаралиши мумкин.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, «Айям ал-араб»нинг тарихий манба сифатидаги қиймати араб адабий ва тарихий анъанасида қайд этилган исмлар сони билан эмас, балки, энг аввало, реал воқелик, жамиятнинг маънавий қадриятлари ва ахлоқий меъёрларини ифода этишдаги жанр жиҳатдан ўзига хослиги билан белгиланади. Аёнки, қадимги араб тингловчиси бундай ривоятларни тўлиқ уйдирма ва реал асосдан маҳрум деб қабул қилганидауларга қизиқиш билдирмаган бўлар эди. Айнан шу омил мазкур ривоятларнинг барқарорлиги ва оммалашувини таъминлаган: уларда муайян даражада ишончлилик мавжуд бўлиб, у «танишлик эффекти» ва ҳиссий ҳамдардликни юзага келтирган, тингловчи ёки ўқувчига ўзини ва ўз муҳитини тасвирланаётган қаҳрамонлар ҳамда воқеалар билан боғлаш имконини берган.

Бадиий-маданий манба сифатида «Айям ал-араб», аввало, даврнинг ижтимоий-психологик ўлчамини – уруғ-қабилавий тузум парчаланиши ва доимий қабилалараро қарама-қаршилик шароитида яшаган бадавийнинг дунёқараши, фикрлари ва ҳиссий кечинмаларини акс эттиради. Шунингдек, қаҳрамонлар диалогларида ифодаланган воқеликка нисбатан баҳоловчи муносабатлар, шунингдек, ушбу давр билан боғлиқ жамоавий тарихий тажрибанинг ўзига хос ифодаланиши ва онг шакллари «Айям ал-араб»нинг ўзига хос тарихий-маданий манба сифатидаги аҳамиятини белгилаб беради.

Хулоса. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, «Айям ал-араб» оғзаки тарихий анъана ва бадиий ҳикоячиликнинг илк шакллари чорраҳасида вужудга келган ўзига хос жанр феномени сифатида намоён бўлади. Ривоятларнинг табиати на классик эпосга, на қатъий хужжатли солномага тўлиқ мос келади: «Кунлар» тарихий гувоҳлик, жамоавий хотира ва воқеликнинг бадиий ифодаси унсурларини ўзида мужассам этган алоҳида нарратив тури сифатида амал қилади.

«Айям ал-араб»нинг жанр ўзига хослиги қатор асосий белгилар билан белгиланади. Аввало, бу ҳодиса-эпизодик тузилмага эга бўлиб, ҳар бир «кун» муайян можаро ёки жанг атрофида марказлашган нисбатан мустақил ҳикояни ташкил этади. Иккинчидан, уларнинг муҳим хусусияти функционал-коммуникатив йўналтирилганлигида намоён бўлади – мазкур ривоятлар қабилавий жамиятнинг ижтимоий тажрибаси, хулқ-атвор меъёрлари ва қадриятлар тизимини сақлаш ҳамда узатиш воситаси бўлиб хизмат қилган. Учинчидан,

улар якқол синкретик характерга эга бўлиб, ўз ичида реал тарихий воқеалар, шеърый парчалар ва оғзаки анъана унсурларини бирлаштиради.

Шу билан бирга, «Аййам ал-араб» ўтиш даврига хос хусусиятни намоён этади: бир томондан, улар реал воқеаларни қайд этувчи оғзаки қабилавий солнома хусусиятларини сақлаб қолган бўлса, иккинчи томондан, эпик ва бадий умумлаштиришнинг илк унсурларини ҳам ўз ичига олади. Уларнинг ишончилиги нисбий характерга эга: умумий ҳикоявий тузилманинг маълум даражада трансформацияга учраши мумкин бўлган ҳолларда ҳам, маиший ҳаёт, ижтимоий тузилма ва қабилалараро муносабатларга оид деталлар, одатда, реал тарихий шароитларни акс эттиради.

Шундай қилиб, «Аййам ал-араб»нинг жанр табиати тарихий-нарратив хусусиятга эга бўлиб, илк эпик (протоэпос) унсурлари билан уйғунлашган ҳолда намоён бўлади; бунда асосий ўринни бадий тўқимадан кўра реал воқеаларнинг оғзаки маданий анъана доирасида жамоавий талқини ва англаниши эгаллайди. Бу ҳолат мазкур корпусни нафақат тарихни, балки исломдан олдинги араб жамиятининг ижтимоий-психологик ва маданий ривожланишини ўрганиш учун ҳам ўзига хос ва қимматли манбага айлантиради.

Типологик белгилар қаторига қуйидагилар киради: ҳикоянинг ҳодиса-эпизод жиҳатдан ташкил этилиши (можаро → тўқнашув → натижа), барқарор мотивлар доираси (қасос, ресурслар учун кураш, бадавийнинг номуси ва қабилавий бирдамликни ҳимоя қилиш), шунингдек, воқеаларни жамоавий хотирада сақлаш ва мустаҳкамлашнинг ўхшаш механизмлари. Мазкур хусусиятлар «Аййам ал-араб»ни исломдан олдинги арабларнинг оғзаки тарихий ва ҳикоявий анъанаси тизимида амал қилувчи нисбатан яхлит жанр-типологик мажмуа сифатида қараш имконини беради.

Шу билан бирга, тақлиф этилаётган типологик умумлаштириш шартли хусусиятга эга бўлиб, умумийликка даъво қилмайди. У, аввало, тарихий гувоҳлик, оғзаки нарратив ва протоэпик ҳикоячилик чорраҳасида жойлашган ривоятларнинг структур-семантик қонуниятлари ҳамда жанр ўзига хослигини аниқлашга қаратилган тадқиқот воситаси сифатида намоён бўлади. Бундай ёндашув «Аййам ал-араб»нинг аралаш (гибрид) табиатини етарли даражада инобатга олишга ва уларни анъанавий жанр категориялар доирасида бир томонлама талқин этмасликка имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ali, Jawad. History of the Arabs before Islam, 8 parts. Ta' rīkh al- 'Arab qabla al-Islām, thamāniyat ajzā'. – Baghdad, 1960. Vol. 1. – 356 p. (in Arabic)
2. Arabian Antiquity (1983). From Ancient Arabic Poetry and Prose. Translated from Arabic by A.A. Dolinina and V.I. Polosin / Ed. B.Ya. Shidfar. Araviyskaya starina. Iz drevney

arabskoy poezii i prozy. Per. s arab. A.A. Dolininoy i V.I. Polosina / Otv.red. B.Ya. Shidfar. – Moscow: Nauka. – 142 p. (in Russian)

3. Belyaev, E.A. (1966). Arabs, Islam and the Arab Caliphate in the Early Middle Ages. Araby, islam i Arabskiy khalifat v ranneye srednevekov'ye. – Moscow: Nauka. – 278 p. (in Russian)

4. Classical monuments of Eastern literature (1985) // Collection of articles. Ed. N.I. Nikulin. Klassicheskiye pamyatniki literatury Vostoka // Sbornik statey. Otv. red. N.I. Nikulin. – Moscow: Nauka. – 239 p. (in Russian)

5. Days of the Arabs in the Jahili period. (2004). Compiled by: Muhammad Abu al-Fadl Ibrahim, Ali Muhammad al-Bajawi. Ayyam al-Arab fi-l-jahiliyya. Ta'lif: Mukhammad Abu al-Fadl Ibrakhim, Ali Mukhammad al-Bazhavi. – Beirut: al-Maktaba al-asriyya. – 352 p. (in Arabic)

6. Filshinsky, I.M. (1985). History of Arabic Literature V – early X century. Istoriya arabskoy literatury V - nachalo X veka. – Moscow: Nauka. – 225 p. (in Russian)

7. Gibb, H.A.R. (1960). Arabic Literature. The Classical Period. Translated from English by A.B. Khalidov; Muslim Historiography. Translated from English by P.A. Gryaznevich / Editor-in-Chief V.I. Belyaev. Arabskaya literatura. Klassicheskiy period. – Moscow: Publishing House of Eastern Literature. – 180 p. (in Russian)

8. Ibragimov, N.I. (1984). Arabian folk novel. Arabskiy narodnyy roman. – Moscow, 1984. – 256 p. (in Russian)

9. Jundi, Ali. (1966). War Poetry in the Pre-Islamic Era. Third Edition. Shi'r al-ḥarb fī al-ʿaṣr al-jāhili. Al-ṭabʿa al-thālitha. – Cairo. – 613 p. (in Arabic)

10. Lundin, A.G. (1961). Southern Arabia in the VI century // Palestinian collection. Yuzhnaya Araviya v VI veke // Palestinskiy sbornik. Vol. 8 (71). – Moscow-Leningrad. – 170 p. (in Russian)

11. Meletinsky E.M. (2004). The Origin of the Heroic Epic: Early Forms and Archaic Monuments. Proiskhozhdeniye geroicheskogo eposa: Ranniye formy i arkhaiskiye pamyatniki. 2nd ed., corrected. – Moscow: Vostochnaya Literatura. – 462 p. (in Russian)

12. Mukhtarov T.A., Sattiev A.I., Shamusarov Sh.G. (1992). Essays on medieval Arabic prose. Ocherki srednevekovoy arabskoy prozy. – Tashkent: Fan. – 219 p. (in Russian)

13. Mukhtarov, T.A. (2002). Novel in classical Arabic literature. Novella v klassicheskoy arabskoy literature. – Tashkent: Uzbekistan. – 192 p. (in Russian)

14. Mukhtarov, T.A., & Mutalova, G.S. (2011). Typology and national characteristics of the Arabic heroic epic. Tipologiya i natsional'nyye osobennosti arabskogo geroicheskogo eposa // Bulletin of the Chelyabinsk State University, (21). – Pp.116-120. (in Russian)

15. Mutalova G.S. (2011). Eastern Saga (Tribal Legends of the Arabs). Vostochnaya saga (plemennyye predaniya arabov). – Saarbrücken, Germany: LAP LAMBERT Academic Publishing. – 148 p. (in Russian)

16. Mutalova, G.S. (2019). Features of early medieval epic creativity of the Arabs. Osobennosti rannesrednevekovogo epicheskogo tvorchestva arabov // International Journal of Innovative Technologies in Social Science, 1(13), 28-34. (in Russian) https://doi.org/10.31435/rsglobal_ijitss/31012019/6326

17. Negrya, L.V. (1981). The social system of North and Central Arabia in the V-VII centuries. Obshchestvennyy stroy Severnoy i Tsentral'noy Aravii v V-VII vv. – Moscow: Nauka. – 159 p. (in Russian)

18. Putilov B.N. (1982). The heroic epic of the Montenegrins. Geroicheskij epos chernogorcev. – Leningrad: Nauka. – 239 p. (in Russian)

19. Shamusarov Sh.G. (2010). Typology and interrelation of folklore of Turkic and Arab peoples. Tipologiya i vzaimosvyaz' fol'klora tyurkskikh i arabskikh narodov. – Moscow: Akademkniga, 2010. – 304 p. (in Russian)

20. Shidfar, B.Ya. (2011). The System of Images in Classical Arabic Literature of the VI–XII Centuries. Obraznaya sistema arabskoy klassicheskoy literatury (VI-XII vv.). – Moscow: Mardjani Publishing House. – 319 p. (in Russian)

21. Veselovsky A.N. (1939). Selected articles [Text] / ed. M.P. Alekseev, V.A. Desnitsky, V.M. Zhirmunsky and A.A.Smironov. – Leningrad: Goslitizdat. – 572 p. (in Russian)

22. Zhirmunsky B.M. (1979). Comparative Literary Studies. East and West. Sravnitel'noye literaturovedeniye. Vostok i Zapad. – Leningrad: Nauka. – 492 p. (in Russian)